

4. Содикова Ш.Б. Ўзбек тилини хорижий тил сифатида ўқитиш масалалари. “XXI аср: фан ва таълим масалалари” илмий электрон журнали. – Тошкент: № 2, 2017.
5. Подберезская Ю. А. Лексические нормы в методике преподавания культуры русской речи студентам-иностранцам. *Lingua mobilis* № 4 (37), 2012. –С. 158.
6. Стрельчук Е.Н. Лингвометодические основы обучения иностранных учащихся культуре русской письменной речи на этапе довузовской подготовки : автореф. дис. ... канд. пед. наук. –Москва: 2008.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақоланинг мазмун-моҳияти, мақсади ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганиш муаммоларига ва бу жараёнинг ўзига хос мураккабликларига бағишланади. Мақолада Россия Федерациясининг олий таълим муассасаларида ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўргатилиши билан боғлиқ ўқув дастурлари таҳлил қилинади.

РЕЗЮМЕ

Суть и значение данной статьи посвящается проблемам изучения узбекского языка как второго иностранного, также о специфических сложностях данного процесса. В статье анализируются учебные программы изучения узбекского языка как второго иностранного в высших учебных заведениях Российской Федерации.

SUMMARY

Essence and the meaning of this article is dedicated to the problems of learning the Uzbek language as a second language, and also about specific difficulties of this process. Educational programs (curriculum) of learning uzbek language are analyzed in the article as a second foreign language in high educational institutions of the Russian Federation.

ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИК БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРЛИГИНИНГ МУҲИМ КОМПОНЕНТИ СИФАТИДА

З.К.Курбаниязова - педагогика фанлари номзоди, доцент

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: таълимга компетентли ёндашув, ижтимоий-педагогик компетентлик, акмеограмма, профессиограмма.

Ключевые слова: компетентностный подход к образованию, социально-педагогическая компетентность, акмеограмма, профессиограмма.

Key words: competence-based approach to education, socio-pedagogical competence, acmeogramm, professiogramm.

Жадал суръатлар билан одимлаб бораётган глобаллашув жараёни, давлат ва жамиятнинг ривожланиши илм фан, техника ва технологиялар соҳасида эришилган ютуқлар, олий таълим тизимида фаолият юритаётган илмий кадрлар салоҳияти, уларнинг келажак истикболлари, ижодкорлиги ва ташуубускорлиги билан боғлиқлигини ижтимоий ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бугунги кунда, айниқса, таълим соҳасида ёшларимизнинг замонавий таълим олиши, миллий-маънавий кадриятларимизни чуқур ўрганиши, турли соҳаларда илмий татқиқот ишларини олиб бориши, жаҳон тажрибаларини ўрганиши, хорижий илғор тажрибаларни амалиётга татбиқ этиши, замонавий илм ва техниканинг чўққиларига эришиши учун тўлиқ шароитлар яратилди. Бўлғуси педагогларнинг инновацион салоҳиятга эга бўлиши, тез ўзгарувчан шароитларга нисбатан мослашувчан бўлишини замоннинг ўзи талаб этмоқда. Шу боис ҳам олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини замон талабларига жавоб бера оладиган даражада ривожлантириш, таълимни тубдан ислоҳ қилиш, мазкур тизимни янги сифат босқичига кўтаришнинг муҳим шартларидан биридир.

Сўнгги йилларда таълим тизими, шу жумладан, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонунида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари сифатида таълим соҳасида камситишларга йўл қўйилмаслиги, таълим олишга доир тенг имкониятларнинг таъминланиши, таълим ва тарбияга миллий ҳамда умуминсоний кадриятларнинг сингдирилганлиги, таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик, демократик хусусияти [1] кабилар белгилаб берилган.

Шунингдек, мазкур Қонуннинг 46-моддасида педагогларнинг ижтимоий-касбий компетентлиги муаммосининг долзарблигини аниқ кўрсатиш имконини берадиган педагог ходимларнинг қуйидаги мажбуриятлари ҳам кўрсатиб ўтилган:

таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиши; ўқув машғулотларини сифатли ўтказиши;

ахборот-коммуникация технологияларидан, ўқитиш ва тарбиянинг илғор ҳамда инновацион шакллари ва усулларида фойдаланиши;

таълим олувчиларнинг психологик ва ўзига хос хусусиятларини, жисмоний ва руҳий саломатлигини, физиологик ривожланишини ҳисобга олиши, жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахсларни ўқитиш учун шарт-шароитлар яратилишига эътибор қаратиши;

вояга етмаган таълим олувчилар билан таълим-тарбия ишларини уларнинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари билан ҳамкорликда олиб бориши [1] ва ҳ.к.

Айниқса, “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да бўлажак ўқитувчиларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш билан боғлиқ бўлган қатор муҳим йўналишлар белгилаб берилган. Замонавий шароитда компетенциявий илмий ёндашув касбий-педагогик таълимнинг замонавий талабларига жавоб берувчи инновацион тавсифга эга бўлиб, янги авлод фуқароларини шакллантиришда тарбиянинг ролини оширишга хизмат қилади. Компетенциявий ёндашувни амалга оширишнинг моҳияти таълимни модернизациялашда (таълим ва тарбиянинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати), унинг сифат жиҳатидан ўзгариши, таълим-тарбиянинг устувор йўналиши сифатида янги инсоний кадриятлар тизимини яратишда яққол намоён бўлади.

Сўнгги пайтларда таълим жараёни натижаларини тобора кўпроқ “компетентлик” тушунчаси билан боғлаб келишмоқда. Замонавий таълим амалиётида компетентлилик *таълим кадрияти, мақсади, натижаси* каби учта ҳолатда намоён бўлмоқда. Чунки компетентлилик, *биринчидан*, таълимнинг интеллектуал ва кўникмалар таркибий қисмларини ўзида бирлаштиради; *иккинчидан*, компетентлилик тушунчаси “натижадан” шаклландиган таълим мазмунини талқин қилиш ғоясини ўз ичига олади; *учинчидан*, компетентлик интегратив табиатга эгадир [3]. Ўқитувчи учун касбий фаолият бу педагогик фаолиятдир, бу эса илмий адабиётларда келтирилган “педагогик компетентлик” категорияси билан боғлиқ.

Aila Paaso ва Kati Korento касбий компетентликни ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари сифатида амалий иш тажрибаси; касбий билим ва кўникмалари ҳамда мутахассиснинг ўз-ўзини шахсий ва касбий

ривожлантириб боришга йўналтирилган узлуксиз таълими билан боғлиқ ҳолда тавсифлайди [5:12]. Индонезиялик олим Adnan Hakim эса “касбий компетентлик – бу бирор кишининг маълум бир фаолият турини бажара олишидаги билими, дунёкараши, малака ва кўникмаларига асосланган иш талабларига мувофиқ қобилиятидир” [4] деб изоҳлайди.

Касбий компетентлик, педагогнинг касбий компетентлиги бўйича тадқиқотлар олиб борган Германиялик олимлар J.Baumert, M.Kunter, W.Blum, U.Klusmann, S.Krauss ва M.Neubrandлар педагогнинг касбий компетентлигини зарурий касбий билим, кўникма ва касбий этика бирлиги сифатида баҳолаб, унинг асосий компонентлари сифатида ижтимоий таҳлил, педагогик вазиятлар диагностикаси, рефлексия ва касбий ҳаракатларни эътироф этишган [6].

Тадқиқотчиларнинг фикрича, педагогнинг касбий компетентлиги унинг тегишли фан соҳаси ва тарбия борасида махсус илмий-назарий билимларга шунингдек, белгиланган вазифаларни самарали ҳал эта олиш лаёқатига эга бўлиши; махсус касбий этика асосида таълим олувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиқадиган аниқ педагогик вазиятларни самарали ечимини топиши; юқорида келтирилган касбий вазифаларни амалга оширишдаги ҳар бир педагогик ҳатти-ҳаракати учун ҳар бир шахс олдидаги масъулият ва жавобгарликни ҳис этиши билан белгиланади.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, педагогларга қўйиладиган талаблар тўплами сифатида профессиограммдан фойдаланиш қулай, аммо фақат операционал компетентликларни тавсифлашда мақсадга мувофиқ бўлади. Шу сабабли, идеал педагог моделини ўрганишга бўлган профессиографик ёндашув бугунги кунда етарли эмас. Шунинг учун бугунги кунда акмеографик тадқиқотлар натижалари ҳисобланган акмеограммани тузишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Акмеограмма – акмеографик ёндашувнинг асосий методи ва у прогрессив ривожланишга ҳамда биринчи навбатда шахснинг профессионализи ва конкрет меҳнат субъектлари фаолиятининг тараққиётига имкон берадиган талаблар, шароит ва омиллар тизимини намоён этади. Акмеограмма доимо индивидуал бўлади, расмий равишда у самарали фаолият кўрсата-ётган субъектнинг индивидуал “қесими”ни, унинг имкониятлари ва истикболларини, ўрнини қоплайдиган ва акси бўлган хусусиятларини ўзида мужассам этади [7]. Акмеограмма – профессиограмма ва психограммага нисбатан умумлаштирувчи категория бўлиб ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. (23.09.2020). // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон.)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.
3. Баскаев Р.М. О тенденциях изменений в образовании и переходе к компетентностному подходу // Инновации в образовании. – М.: 2007. №1. – С.10-15
4. Adnan Hakim. Contribution of Competence Teacher (Pedagogical, Personality, Professional Competence and Social) On the Performance of Learning // The International Journal Of Engineering And Science (IJES) || Volume || 4 || Issue || 2 || Pages || PP.01-12|| 2015
5. Aila Paaso & Kati Korento. OSAAVA OPETTAJA 2010–2020. Toisen asteen ammatillisen koulutuksen opetushenkilöstön osaaminen. – Tampereen yliopistopaino Oy - Juvenes Print, Tampere 2010. – P.224.
6. Baumert, J., Kunter, M., Blum, W., Krauss, S. & Neubrand, M. (2011). Professionelle Kompetenz von Lehrkräften, kognitiv aktivierender Unterricht und die mathematische Kompetenz von Schülerinnen und Schülern (COACTIV) – Ein Forschungsprogramm. In M. Kunter, J. Baumert, W. Blum, U. Klusmann, S. Krauss, & M. Neubrand (Hrsg.). Professionelle Kompetenz von Lehrkräften. Ergebnisse des Forschungsprogramms COACTIV (S. 7-25). Münster: Waxmann
7. Салиев А.Ш. Ёшларнинг интилувчанлигини аниқлашда акмеограмманинг аҳамияти // Ёшларнинг акмеологик қарашларини шакллантиришда соғлом турмуш тарзининг ўрни: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари (2008 йил, 30 май). – Т.: “Фалсафа ва ҳуқуқ” институти нашриёти, 2008. 227-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий-педагогик компетенцияларни ривожлантириш, акмеограмма билан касбий компетентликнинг ўзаро боғлиқлиги масалаларига оид илмий таҳлиллар ўз аксини топган.

В статье отражён научный анализ развития социально-педагогических компетенций будущих учителей, взаимосвязь между акмеограммой и профессиональной компетенцией.

The article reflects the scientific analysis of the development of socio-pedagogical competencies in future teachers, the relationship between professional acme and professional competence.

УДК 378

**КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН ТЕХНИКАВИЙ ЙЎНАЛИШ ТАЛАБАЛАРИ
УЧУН ФАН ДАСТУРИНИ ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Ш.М.Мухаммедов – мустақил тадқиқотчи

*Бухоро давлат университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий маркази*

Таянч сўзлар: кредит-модуль, таълим тизими, таълим стандартлари, фан дастурлари, машғулот соатлари, мустақил таълим, кредитлар сони, масофавий таълим, таълим платформаси.

Ключевые слова: кредит-модуль, система образования, образовательные стандарты, программы дисциплин, объём обучения, самостоятельное обучение, количество кредитов, дистанционное обучение, платформа обучения.

Key words: Credit module, education system, educational standards, discipline programs, study volume, self-study, number of credits, distance learning, training platform.

Кириш. Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини жаҳон андозаларига мос ривожлантириш, замон ва дунё талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Шунинг билан қўшма ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ- 5847-сон фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб Республика олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш тартиби жорий қилиниши кўрсатилган. Шу билан бирга ОТМ ларида кредит-модульга ўтиш тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланган. Қарорда кредит-модуль тизимига доир ҳужжатларни ишлаб чиқиш вазифаси ҳам қўйилган. Низом 9 боб 46 моддадан иборатдир. Қарорнинг биринчи иловасида ОТМ ларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимига босқичма-босқич жорий этиш схемаси келтирилган [2]. Шу схемага асосан 1-босқичда ОТМ янги ўқув йили бошлангунча ўқув режаси ва фан дастурларини жаҳон стандартларига мослаштириш, ҳар бир фанга кредитларни тақсимлаш, фанлар каталогини шакллантириш ва эълон қилиш вазифаси қўйилган. Шунга асосан бизлар қуйида технология фани ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитиладиган “Материалшунослик” фанини дастурини кредит-модуль тизимида тайёрлаш схемаси тўғрисида тўхталамиз.

Асосий қисм. Кредит-модуль тизимида ўқув режадаги ҳар фанни ўқитишга ҳозирланаётган ўқитувчи даставвал ўзининг фан дастурига эга бўлиши тавсия этилади. Фан дастури бу фаннинг “йўл харитаси” бўлиб, у талабага фан ҳақидаги асосий маълумотларни беради. Фан дастури шакли ва таркиби турлича бўлиши мумкин лекин у энг камида қуйидаги бўлимларни қамраб олиши керак: фаннинг тавсифи, фаннинг мақсади, мавзулар рўйхати, таълим технологиялари, баҳолаш мезонлари, адабиётлар. Фан дастурида фаннинг нима ҳақида эканлиги, мақсадлари, семестр давомида ўқитиладиган мавзулар рўйхати, фойдаланиладиган материаллар, адабиётлар рўйхати, баҳолаш услуби ва мезонларни қамраб олинган. Бундан ташқари унда, ўқитувчининг контакт маълумотлари, ўқитувчи билан ҳафталик консултация вақти, академик

мулоқот ҳолатлари ҳам бўлиши мумкин. ECTS кредит – модуль тизими асосида яратилган материалшунослик фани дастурига қуйидагини мисол қилиб келтиришимиз мумкин [4].

Университетлар ва педагогика институтларида 5112100-технологик таълим йўналишида ўрта умумтаълим мактабларининг технология фани ўқитувчилари тайёрланади. Бу йўналишнинг 2020 йил 18 августда тасдиқланган ўқув режасига асосан талабалар бакалавр даражасини олиш учун 3 йил таҳсил оладилар. Шу талабалар 1 курс 1-семестрида ўқув режасидаги 2.06.блокда “Материалшунослик” фанини ўзлаштирадилар. Фанга 180 соат ажратилган. Бунинг 90 соати аудитория соатлари 90 соати мустақил таълимга тўғри келади. Аудитория соатлари 40 соат маъруза, 30 соат амалий машғулот, 20 соат лаборатория ишларига тақсимланган. Юқорида айтиб ўтилган схемага асосан материалшунослик фанининг ишчи дастури муаллифлар томонидан тайёрланди. Фанга ҳафталик 6 соат вақт ажратилган бўлиб 1 семестрда 6 кредитни ташкил қилади.

Жадвал кўринишида қуйидагича ёзиш мумкин

Фан/ модуль коди Mat M 2006		Ўқув йили 2020- 2021	Семе стр 1	ECTS-кредитлар 6	
Фан/ модуль тури Мажбурий		Таълим тили Ўзбек/рус		Ҳафталик дарс соатлари 6	
1	Фаннинг номи	Аудитория машғулот- лари (соат)		Мустақил таълим (соат)	Жами юклама (соат)
	Материал- шунослик	90		90	180

Материалшунослик фанининг тавсифи: фанни ўқитишдан мақсад-талабаларга материалшунослик ва конструкцион материаллар бўйича билимларнинг назарий асосларини, металл ва металмас материалларнинг тузилиши, уларнинг хоссалари, қотишмалар назарияси, қора ва рангли металллар, нометалл материаллар, ҳамда металлларни термик ва кимёвий термик ишлов бериш, металлларни занглашини олдини олиш, конструкцион материалларни ишлаб чиқариш усуллари, уларнинг хоссаларини яхшилаш ҳамда деталлар тайёрлаш тўғрисида, металлларни пайвандлаш, кесиш ва кавшарлаш, кесиш ишлаш асослари, металмас материаллар ва улардан деталлар тайёрлаш технологиясига оид материаллар билан танишиб уларни амалиётга тадбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.

Фаннинг мақсади: талабаларга металл ва металмас материалларнинг тузилиши, уларнинг хоссалари, қотишмалар назарияси, қора ва рангли металллар,